


## I. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ (фермер ва дэхçon хўжаликларисиз)

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2017 йилнинг 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 21163 тани ташкил қилиб, шундан 20075 таси ёки 94,9 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 5425 та (25,6 фоизи), саноат 3908 (18,4 фоизи), курилиш 1623 та (7,7 фоизи) ва қишлоқ ва ўрмон хўжалиги 1573 та (7,4 фоизи) соҳаларига тўғри келади. 2016 йилнинг 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 20085 тани ташкил қилган бишлиб, шундан 18418таси ёки 91,7 фоизи фаолият кўрсатган.

**2017 йил 1 октябрь ҳолатига давлат рўйхатидан ўтган юридик шахсларнинг шаҳар ва туманлар кесимида улуси**



Виялотда 2017 йил 1 октябрь ҳолатига давлат рўйхатидан ўтган хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий улуси Наманган шаҳар (40%), Чуст туман (8%), Наманган туман (7%) ва Тўракўрғон туман (6,1%)лари хисобига тўғри келмоқда.

**2017 йилнинг 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият  
кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони**  
*(шаҳар, туманлар кесимида)*

	Рўйхатга олинган		
	2017 йил	2016 йилга нисбатан %	2017 йил жамига нисбатан улуши %
<b>Жами</b>	<b>21163</b>	<b>105,4</b>	<b>100,0</b>

*шахарлар :*

Наманган	8593	110,5	40,6
----------	------	-------	------

*туманлар :*

Мингбулоқ	814	111,5	3,8
Косонсой	1179	100,9	5,6
Наманган	1465	91,2	6,9
Норин	792	103,9	3,7
Поп	1200	95,8	5,7
Тўркўрғон	1297	105,4	6,1
Уйчи	1130	110,5	5,3
Учқўрғон	1033	101,1	4,9
Чорток	1010	105,2	4,8
Чуст	1673	103,4	7,9
Янгиқўрғон	977	104,2	4,6

**2017 йилнинг 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби**

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	якунга нисбатан фоизда	бирлик	якунга нисбатан фоизда
<b>Жами</b>	<b>21163</b>	<b>104,5</b>	<b>20075</b>	<b>107,1</b>

*шу жумладан:*


қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1573	110,9	1494	112,3
саноат	3908	115,5	3796	116,7
қурилиш	1623	100,7	1486	105,0
савдо	5425	101,1	4959	106,3
ташиш ва сақлаш	717	108,3	694	109,6
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	880	108,2	815	110,9
ахборот ва алоқа	325	97,3	306	97,4
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	465	72,8	456	73,9
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	6247	103,8	6069	105,1

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 81,4 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 31,4 фоизи хусусий корхоналар, 0,5 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 32,3 фоизи бошқа корхоналар улушкига тўғри келди.

2017 йилнинг январь-сентябрь ойлари давомида 17091 та кичик корхоналар ва микрофирмалар (фермер ва деҳкон хўжаликларисиз) рўйхатга олинган бўлиб, шу давр оралиғида 1943 та хўжалик юритувчи субъектлари ташкил топган бўлса, тугатилган субъектлар сони 933 тани ташкил этди. Бу кўрсаткич жамига нисбатан 5,5 фоизни ташкил этади.

Шунингдек, 2017 йил 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган чет эл инвестицияси киритилган корхоналар сони 101 тани ташкил этиб, шундан жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида ташкил топганлири сони 7 тани, тугатилган корхоналар сони 2 тани ташкил этди.

**Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахсларнинг  
мулкчилик шакллари бўйича умумий сони  
(2017 йил 1 октябрь ҳолатига)**



2017 йил 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган 21163 та хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакли бўйича, 9574 таси масъулияти чекланган жамиятлари (2016 йил январь-сентябрда 8282та) ёки ўтган йилга нисбатан 115,6 фоизга ошган. Хусусий корхоналар сони 6656 тани ташкил этиб, (2016 йил январь-сентябрда 6839та) ўтган йилга нисбатан 97,3 фоизга ёки 183 тага камайган. Оилавий корхоналар сони 238 тани ташкил этиб, (2016 йил январь-сентябрда 158та) 150,6 фоизга ортган. Бошқа тизкорат корхоналари 4695 тани ташкил этиб, (2016 йил январь-сентябрда 4806та) ўтган йилга нисбатан 97,7 фоизга ёки 111 тага камайган.

2017 йил январь-сентябрь ойларида жами 21163 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 1943 та). Уларнинг асосий қисми Наманган шаҳри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 41,8 фоизи), Уйчи (7,0 фоизи), Наманган (6,5 фоизи), Тўрақўрғон (6,3 фоизи), Чуст (6,0 фоизи), Мингбулоқ (5,1 фоизи), Чорток (4,6 фоизи) Норин (4,4 фоизи), туманларига тўғри келади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 30,7 фоизи саноат, 24,9 фоизи савдо ва 5,0 фоизи қурилиш соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 1180 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тутатилган бўлиб, улардан 247 таси (жами фаолияти тутатилганларнинг 20,9 фоизи) ихтиёрий тутатилиш тартибини кўллаш орқали тутатилган.